



МАНАЛЛА

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 8 (235)

2001 йил 21 феврал, чоршанба

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги» ўтказиш тўғрисида

Умумхалқ «Наврўз» байрамини муносиб қутиб олиш, юртимиз табиатини соғломлаштириш, мамлакатимиз чиройига чирой қўшиш, аҳоли ўртасида табиат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини кучайтириш, баҳорги ободонлаштириш ишларини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Шу йилнинг 21 февралдан 21 мартгача мамлакатимизда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги» ўтказилсин.

2. «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги»ни ўтказиш бўйича Республика ташкилий гуруҳи таркиби тасдиқлансин.

3. Республика ташкилий гуруҳи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

уч кун муддат ичида жойларда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги»ни ўтказиш бўйича худудий ишчи гуруҳлари ташкил этсинлар;

мавжуд боғлар, дарахт ва буталарга агротехник ишлов ва шакл бериш, барча йўللари таъмирлаш, зовур ва ариқларни, дам олиш масканларини, бозор худудларини, қабристонларни тозалаш, тартибга келтириш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширсинлар;

ўзларига тегишли худудларда янги боғроғларни барпо этиш, дарахтларни режа асосида, сифатига алоҳида эътибор берган ҳолда, ўз вақтида экинни ташкил этсинлар;

меҳрибонлик ва қариялар уйлари, болалар бөлчалари, касалхоналар худудларини янада ободонлаштириш, уларнинг атрофига манзарали ва мевали дарахтларни экишга алоҳида эътибор қаратсинлар; худудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, уй-жой ширкатлари аъзолари иштирокида кўп қаватли уйлارнинг ташкилини, уйлари кириш йўлакларини ҳамда бириктирилган майдонларни тартибга келтирсинлар ва кўкаламзорлаштирайсинлар.

4. Республика «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» ва «Наврўз» жамғармалари, «Экосан» халқаро жамғармаси, Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши ҳамда бошқа ташкилот ва муассасалар бир ой мобайнида кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳашар кунларини ташкил этсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Шредер номидаги илмий ишлаб чиқариш корпорацияси, Ўрмончилик илмий тадқиқот институти буюртма асосида манзарали ва мевали кўчатларни тегишли ташкилотларга ўз вақтида етказиб беришни таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги, «Маҳалла», «Нуроний», «Наврўз», Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармалари вазирликлари, идоралар, корхона ва ташкилотлар иштирокида Наврўз байрами арафасида меҳрибонлик ва қариялар уйлари, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришни кучайтирсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига аҳоли ўртасида тозалikka, атроф муҳитни ҳимоя қилишга эътиборни кучайтириш ва бу борда кенг ташвиқот ишлари олиб бориш топширилсин.


8. «Ўзтелерадио» компаниясига, республика оммавий ахборот воситаларига «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги»ни ўтказиш жараёнини кенг ва мунтазам равишда ёритиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ҳ.Караматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 20 феврал.

◆ НАВРЎЗ ЭШИК ҚОҚМОҚДА



ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Вилоят Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси, «Нуроний», «Камолот» жамғармалари вилоят аҳлига мурожаатнома қабул қилишди. Унда халқимизнинг миллий байрами, янгилашни фасли Наврўз байрами арафасида вилоятдаги барча маҳалла аҳли ободонлаштириш ишларини олиб борилиши, вилоят аҳлини хайрли ишларда фаол иштирок этишларига даъват этилган.

**Ш.ҚАРИШЕВ,
САМАРҚАНД.**



Дунё харитасидан юртимизнинг ўрнини топамиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Оналар ва болалар йили» доирасида «Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия» мавзудаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси, Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси ҳамда Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилди. Унинг ишида Олий Мажлис депутатлари, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Камолот» ёш-

лар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси, Маърифат ва маънавият Кенгаши мутахассислари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Ғуломов, Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Н.Жураев ҳамда Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси Ш.Салимова ва бошқалар маъруза қилдилар.

МУХБИРИМИЗ.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

«ГАПНИНГ ЙЎРИҒИ МАҲАЛЛАГА БОҒЛАНДИ»

Шу йилнинг 15-16 февраль кунлари Тошкент шаҳрида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш: қонунчилик ва амалиёт» мавзуда халқаро конференция бўлиб ўтди.


Унинг ишида мамлакатимиз, шунингдек, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Украина парламентлари ҳамда Шарқий ва Марказий Европа мамлакатлари давлат органлари ҳамда Шарқий ва Марказий Европа мамлакатлари давлат органлари ҳамда

маҳаллий бошқарув органларининг вакиллари, БМТ Тараққиёт Дастури, ТАСИС каби бир қанча халқаро ташкилотлар мутахассислари иштирок этдилар.

Очилиш маросимида Олий Мажлисининг Демократик институти, нодав-

лат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси Акмал Саидов, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Шухрат Жалилов, Очиқ Жамият Институти Кўмак Жамғармаси Ўзбекистон бўлимининг ижрочи директори Ален Делероз сўз олиб, халқаро конференция иштирокчиларини қутқалилар.

(Давоми 2-бетда.)



2-саҳифасида:

- Хорижлик мутахассислар маҳалла тизими фаолиятига жуда қизиқиб қолдилар...
- Ота-боболаримиз дийдорлашиш, дoston тинглаб, кўшиқ эшитиш учун «гап ўйнаганлар»? Биз эса...
- Тўшақда дард азобидан қимирлашга мадори келмай ётган бу кимсага одамнинг на раҳми, на шафқати келади...

3-саҳифасида:

● Таҳририятимизга келган ҳеч бир мактуб эътиборсиз қолмайди, дея бир неча бор айтгандик. Ушбу фикримизда ҳаминша собитлигимиз исботини муштарийларимиз хатларига бағишланган саҳифамизда кўринг!

4-саҳифасида:

● «Ўлчовда хиёнат қилганларга вой бўлсин...»

Чўли ота номидаги хўжалик маҳалла аҳолиси экинларини сув билан таъминлашга ваъда берди (шартнома тўзди).

КАШҚАДАРЁ

ТОМОРҚАГА СУВ КЕЛАДИ

Қарши туманида қишлоқ хўжалигини ислохотлар маҳаллаларга ҳам етиб келди. Бу йил маҳаллаларда амалга оширилган экин-текин, ободончилик, таъмирлаш ишларини маҳаллалар аҳолисининг ўзлари бажардилар. Қашқадарёда иссиқлик 40-45 даражага кўтарилган

айни саратон пайтлари сув танқислиги айниқса сезилади. Томорқаларда не умидлар билан экинган экинлар сувсизликдан қонжираб, қилинган меҳнатлар зое кетади. Бу йил хўжалик худудиди бундай аҳволга чек қўйилди. Негаки маҳаллалар томорқаларни сугориш бўйича хў-

жалик билан шартнома тузиб олишди. Унда ҳар икки томоннинг вазифалари аниқ белгиланган.

Томорқалардан олинadиган даромад оила бюджетига катта аҳамиятга эга, дейди Хонён маҳалласи оқсоқоли Абди Раҳимов. - Ортиқча маҳсулотларни хўжаликда ташкил этилган бо-

зорга олиб чиқадилар. Иккинчидан, оилалардаги ёшлар, хотин-халалар иш билан таъминланадилар. Ҳозир ариқлар тозаланиб, атрофдаги дарахтлар тартибга келтирилиб, лозим топилган жойларда мевали дарахт кўчатлари ўтқазилган. Дафт қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси Ха-

лим Эшонқуловни суҳбатга тортидик.

Хўжалик билан тузилган шартномада шу давр мобайнида қанча сув кетиши ҳисобланади. Ҳозир эса маҳалла оқсоқоллари орқали чек асосида амалга оширилади. Маҳаллага сув келадиган ариқларда кичик сув иншоотлари ўрнатилди.

Хўжалик мутахассислари ва оқсоқоллардан иборат махсус гуруҳ тузилган. Улар ҳар бир маҳалладаги хонадонларда ариқлар қазиниш, да-

рахтларни буташ, тагини оқлаш, тозалаш ҳамда бошқа ободончилик ишларининг амалга оширилиши билан таъминлаш бўйича ҳисобланади.

Хўжаликда умумий гаплар эмас, аниқ мақсад, ҳисоб-китоблар асосида иш ташкил этилган. Бундай тартибни ҳар бир шаҳар, туман, қишлоқ, маҳаллада ташкил этиш фақат фойда келтиради.

Э.КУРБОНОВ.



Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдилар.

E-mail: mahalla@gazeta.silk.org

Таҳририят манзили:

Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Телефонлар:

Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75

ижодий бўлимлар — 136-53-82, Кабулхона — 136-53-93, Тел/Факс — 133-44-25.

ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

Фозил қори Ёсин ўғли Собиров

ҲАЛОЛИК

МАЪНАВИЯТ БЕЛГИСИ

Юртбошимиз айтганларидек, «Маънавияти йўқ ҳалқнинг, келажаги йўқ» дийр. Маънавият ўз ичига жуда кўп нарсани олади. Фақатгина мактабларда, университетларда, ё бир зиёлилар қатнашаётган мажлисда эмас, балки ҳамма ерда маънавият зарурдир. Айниқса, бозорларда. «Э бу бозор қилма!» деб қолишди, баъзилар, бирор бир тўпалон ҳар хил гаплар бўлса. Аксинча, ҳамманинг иши тушадиган, ҳамманинг ҳолати чиқадиган бозорда маънавият - ички маданият кучли бўлиши керак. Сотивчи ҳам, оловчи ҳам қалбидан жаҳлатгани, хиёнатни, алдовни олиб ташлаши керак. Инсоннинг маънавияти бой бўлса, ички тугён, яъни иймон - эътиқоди мустақкам бўлса, хиёнатдан тийилади Минг афсуслар бўлиндики, мусулмонизм алҳамдулиллоҳ, диндоримиз деймиш-у, ишларимизда ўз мафратимизни тор ўйлаб, Худони ҳам эсан чикарамиз, баъзан. Маънавиятсиз ишларни қиламиз. Кўпинча бозорларда одамларни тарозини нотўғри қилиб қўйилган, оловчи одамнинг дили ранжитилади. Ёки баъзан бир хил олаётган одам ҳам ноҳақлик қилади, тоза молни қўриганда ерга уриб, уни арзонроққа олай дейди. Икки томонда бемаънавлик вужудга келади. Ахир лудманнинг ҳалоллигида-ку баракот. Оловчининг рози бўлиши, сотивчининг ҳам юракдан рози бўлиб сотишда-ку ҳалоллик. Бани Исроил сурасининг 35 - оятинда Оллоҳ таоло айтадики: «Бировга тарозиди ўлчаб бераётганингнида ниҳоятда тўғри қилиб, уни ҳақдан тўғри қолмасдан тўғри ўлчаб берингни, бу дунёда ҳам сизга яхши,



охирагингиз учун жуда ҳам уринли, охирагингизни обод қиладиган нарди-сиз мана шу». Қаранг, мана шу оятда нима дейилган! Улчаб бераётганда, тўғри ўлчашиқ - бу инсоннинг иймонидан, маънавиятидан дарақ беради. «Худодан кўркеман», деларимизда ўз мафратимизни тор ўйлаб, Худони ҳам эсан чикарамиз, баъзан. Маънавиятсиз ишларни қиламиз. Кўпинча бозорларда одамларни тарозини нотўғри қилиб қўйилган, оловчи одамнинг дили ранжитилади. Ёки баъзан бир хил олаётган одам ҳам ноҳақлик қилади, тоза молни қўриганда ерга уриб, уни арзонроққа олай дейди. Икки томонда бемаънавлик вужудга келади. Ахир лудманнинг ҳалоллигида-ку баракот. Оловчининг рози бўлиши, сотивчининг ҳам юракдан рози бўлиб сотишда-ку ҳалоллик. Бани Исроил сурасининг 35 - оятинда Оллоҳ таоло айтадики: «Бировга тарозиди ўлчаб бераётганингнида ниҳоятда тўғри қилиб, уни ҳақдан тўғри қолмасдан тўғри ўлчаб берингни, бу дунёда ҳам сизга яхши,

инсонларимизда инсофу товфиқ бор. Янада бу хиёнатларга, тарозиди ноҳақ ўлчооларга йўл қўйилмаса, ниҳоятда ҳаёт гузаллашиб боради. Қанча савоб ишлар ҳаракатида юраимиз. Ўша савоб ишларнинг бирига-бир савоб, бирига-ун савоб, бирига-ун савоб, ё бир хил катта савоб ишларнинг бирига-минг савоб берилди, дейилади. Лекин, Худодан кўркеман, бировнинг ҳақиқа хиёнат қилмаса, Қуръонда айтадики: «Оллоҳдан кўркеман, бировнинг ҳақиқа хиёнат қилмаган инсонга жаннат муқофот». Худодан кўркеман, виждон амри билан бир инсоннинг ҳақиқа хиёнат қилмаслиқ, ўзини хиёнатдан тийишлик жуда катта савобки, бунга Оллоҳ лўнда қилиб, унинг жойи жаннатдир, дейди. Одамлар баъзида Ҳажга бориб намозлар ўқишиб юришади, рўза тутушади. Булар, албатта, буюрилган савоб ишлар, лекин ҳаммасининг замирида, асло, бировга хиёнат қилмаслик керак. Шундай кимсалар ҳам учрайди, ҳам намоз ўқийди, айни вақтда элгонни ҳам гапирди. Ҳажга бориб келиб, яна хиёнат ҳам қилади, ўзини ичкиликдан, ҳаромдан тиймайди. Буларнинг ҳажга борган бўлса ҳам, намоз ўқийган бўлса ҳам ичи тузалмаганлар. Ичида ҳақиқий бир иймон кучи йўқ кимсалардир. Бундай инсонни феълӣ-хулқда ҳали маънавий йўқ. Маънавияти кучли одам-инсонларга хиёнат қилмайди. Мунофиқлик қилмайди. Ҳалол ва пок бўлиб, фарзандларига, одамларга ибрат кўрсатиб, ҳалол яшайди.

Оллоҳ барчамизга ана шундай, ибратли, маънавийли инсон бўлиб, умр кечирмоқликни насиб этсин.

ЮРТИМИЗ МУҲАДИСЛАРИ

Юртимиздан чиққан буюқ муҳаддислардан бири Имом Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн ал-Фаза ибн Баҳром ибн Абдусаммад ат-Тамимий ас-Самарқандий ад-Доримийдир.

Имом ад-Доримий ҳақидаги маълумотларини асосан ўрта асрларда яшаган машҳур араб муаллифларнинг асарларида учратамиз. Мана шу асарлар жумласидан ал-Хатийб ал-Бағдодийнинг «Тарихи Бағдод» («Бағдод

Аҳмад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг ҳузурларида ўтирган эдик. Шу пайт устозга бир мактуб келтирдиларки, унда Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримийнинг вафоти (у Имом ал-Бухорийдан атиги бир йил олдинроқ 869 йилда вафот этган) ҳақида хабар қилинган экан. Бу нохуш хабардан устоз чуқур қайғуга ботиб, бошини қуйи эгдилар. Бир муддатдан кейин бошини кўтариб, кўзлари лиммом-лим ёшга тўлган ҳолда

ИМОМ АД-ДОРИМИЙ

ларини илмий-маънавий меросини «ал-Муснад», «ат-Тафсир», «ал-Жомий», «Ас-Сулусийет фил ҳадийс», «Китоб ас-Сунна фил ҳадийс», ва «Китоб саум ал-мустоқозий вал мухтайиротий» каби асарлари ташкил қилади. Алломанинг энг машҳур асари, фикримизча, «ал-Муснад» бўлиб, бу асар «Сунан ад-Доримий номи билан машҳур. Асарнинг икки жилддан иборат наشري 1996 йилда Ливан пойтахти Байрутдаги «Дор ал-мактуб ал-илмий» матбаъида чоп этилган. Ушбу икки жилдли асар муқаддимадан (қайсики у 57 кичик «боб»ларни қамрайди), 23 «китоб»дан иборат бўлиб, ўз навбатида ҳар бир «китоб» ҳам кўп сонли «боб»лардан ташкил топган. Эътиборли томони шундаки, Имом ад-Доримий ўз асари «Сунан»да келтирган ҳадислардан деярли у яшаган даврда фаолият кўрсатган буюқ муҳаддислар - ал-Бухорий, Муслим ибн ал-Ҳажжож, Абу Довуд ас-Сижистоний, ат-Термизий, Ан-Насоий, ибн Можа ва бошқа кўплаб таниқли ҳадисшунослар ўз асарларида намуналар келтирганлар. Масалан, Имом ад-Доримий ўз асарида келтирган «ҳовлисида хурмо дарахти бор хонадон аҳли ҳеч қачон оч қолмайди» ёки «энг яхши нонхуруш-сиркадир» каби ҳадисларни юқорида зикр қилган кўпчилик муҳаддислар Имом ад-Доримийдан ривоят қилдилар.

Маълумки, Имом ад-Доримий ҳадис илмининг султони имом ал-Бухорий ҳазратларидан атиги ўн уч ёш катта бўлган. Шу боис бу иккала буюқ муҳаддис бир бирларини шахсан билганлар, яқин илмий муносабатда бўлганлар. Бу фикримизга далил тариқасида тарихчи Шамсудин аз-Заҳабийнинг «Сийар аълом аннабалого» номи асариди келтирган қуйидаги маълумотни кўрсатиш мумкин: «Исҳоқ ибн

ОЛАМДА ТУРАЛИ ГАП

«ҚАҲРАМОН» ДАШКА
Дашка қақабли мушук хужайнига қилган вафодорлиги билан ҳаммани дол қолдирди. Шокар-Олали аёл кўшилари билан балиқ овига бориши. Уйларида машинада таҳминан юз километр юришга, балиқ овловчилар қайиққа ўтириб Волганинг нариги қирғоги томон суздилар. Қайиқда барқан мушук негалар безовталана бошлади, қўлдан чиқшига интила бошладилар ва ниҳоят кўприк келаётган тўққинга ўзини олди... Қайиқдагилар уни улди деб ҳисоблаб, умидларини узилди. Орадан бир неча кун ўтгандан кейин унинг оstonа-сида ҳаммаёғи кир, оч Дашкани кўрган хужасининг ҳолатини бир тасаввур қилинг-чи! Бу вафодор хажовнинг қандай қилиб тирик қолгани-ю, шунча масофадан гилдирилган тағди қолмай, итларга таламвай эсонмон унинг қандай топиб келганлигининг сирини хужайининг ҳамон ҳайратга солмақда.

ОНАЛАР МЕҲНАТИНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Бизлаку бу савол дунда қилиб - бу беиннинг меҳнатининг баҳоси йўқ, уни ўлчаб ҳам бўлмайди, ҳисоблашга ҳоҳат ҳам йўқ деб жавоб беришлари анюқ, Бироқ АКШ-да онанинг бир йил давомида олииси ва фарзандларига 508,7 минг долларлик хизмат кўрсатиши ҳисоблаб қилинган. Маълумотларга қараганда оналар оилада 17 мил мутахассислик бўйича иш юриштир экан. Хўш, оналар қанси касб бўйича қанча ишлашлари мумкин? Улар эналлик учун 13000 доллар, ҳайловини сифатида 32000 доллар, психолог сифатида - 29000, турли уй ҳайвонларига қараганликларини учун - 17000, ҳамширалар қилганлиқлари учун - 35000, ошпазлик учун - 40000, фаррошлиғига - 19000 ва ҳ доллар ҳақ олишлари даркор экан.

Бу ерда албатта, америкача турмуш тарзини назарда тутмоқ керак, чунки у ерда ҳарajat қилиш учун ҳам, болаларни мактабга олиб бориш учун ҳам ўзларининг шахсий машиналаридан фойдаланишади.

ЖАСУР ЭГИЗАҚЛАР

Чебарқулдаги (Челябинск вилояти) хонадонларининг бирига қирра, барча қиматбаҳо нарсаларни хўжалик сумкасига жойлаб олган ўғрини аста зинадан тушаётган ҳам эдикки, рўпарасидан юқорига кўтарилаётган икки қизни кўрди. Эттинчи синф ўқувчилари бўлган бу эгизак қизлар бетона киши қўлдаги ўзларига таниш сумкани кўришга, ҳайиқмасдан унга бараварига ташлашни ва ўрини паста итариб юборишни ва ўғрини пастага думалаб ташган нарсаларини ҳам ташлаб қочишга мажбур бўлди.

ГЎДАК ЁРДАМ БЕРДИ

Корольнинг Суярви шаҳар миллиясига бир кекса аёл мурожаат қилиб 28 ёшли ўғли йўқолганлигини маълум қилди. Аёлнинг ўғли йўқолган йил хотини ва қизини билан алоҳида алоҳида йашарди. Тузилган тезкор тергов гуруҳи йўқолган кишиниқ уйига жўнади. Йўқолган эркеkning хотинидан улар бирорта тайинлироқ гап оломай турганларида, эндагина гапирини урганган уларнинг ўғли «отаси полнинг тағига тушиб кетганлигини» айтди. Ертулага ташган миллия ховчилари у ерда хонадон эгасининг жасадини топилди. Эрини ўз хотини ўлдирганлиги шу ошдак маълум бўлди ва қотил хотин ўз қилмишига иқдор бўлди. Маълум бўлишича, икковлон ичишиб ўтиришганларида жанжаллашиб қолишди ва аёл эрига тийиб қолди. Қотил аёл қилмишига яраша жазосини олдинтан бўлди. Гунаҳ эел маркуминини қилишларида топширилади.

«Тафаккур» журналининг янги асрдаги илк сони босилиб чиқди.

Заковат силсиласи



Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитаси илмий-тадқиқот гуруҳи мутахассислари тайёрлаган мақоладан парча.

Диний ақидага мувофиқ, бугунгача курраи заминда яшаган ва яшаётган барча инсон бир ота-она - Одам ва Ҳавонинг фарзандларидир. Не ажабки, бу ақида ХХ аср фани,

хусусан, генетика томонидан тўлиқ тасдиқланмоқда. Олимларнинг аниқлашича, бугун Ер юзиди яшаётган барча одам бир биологик турнинг Homo Sapiens Sapiens деб аталадиган энг тор бир шаҳобчасига мансуб. Холбуки, одамзод пайдо бўлганидан бери неча минглаб йил ўтди ва бу давр мобайнида бошқа жонотлар дунёда янги-янги турлар пайдо бўлди. Лекин одамларнинг яшаш муҳити бир-биридан кескин фарқ қилса-да (Гренландия, Сахрои Кабир, Тинч океандаги ороллер, Тибет тоғлари ва Африкадаги ўрмонларни ўзаро қиёсланг), у бир турга мансублигига қолмоқда.

Албатта, бугунги дунё харитасига боқсак, бир ота-ондан тарқалганига қарамай, одамлар ташқи қиёфа жиҳатидан ҳам, яшаш тарзи бўйича ҳам, тафаккури билан ҳам анча фарқлашини кўрамай. Ирқ, дин, тил, миллат, яшаш ҳудудига хос омиллар, касб-ҳунар, оилавий қадриятлар одамни одамдан фарқлайди. Ҳатто диққат қилинса, одамларни умумлаштирувчи хусусиятларга нисбатан айирувчи аломатлар кўпроқ. Санъат, фалсафа, ижтимоий-сёсий фаилар-ку моҳият эътиборига кўра фарқлашга хизмат қиладигандай. Аммо асосий мақсади Ер юзидида одамларни ягона бир тамаддунга бирлаштиришдан иборат бўлган адабиёт ҳам уларни қайсибир маънода ажратиб келади. Айтайлик, Фарб шоирининг Нобель мукофоти олган асари шарқлик учун маъносиз бўлиши, жанубликнинг ичганини узудай кулпули ҳикоя шимолликнинг бор-йўғи пешонасини тириштириши мумкин...

Е бўлмаса, илмий-техника инқилобини олайлик. Бир қарашда тафаккурнинг бир меваси одам танламаслигини лозим. Лекин, аксинча, у одамзод ўртасида энг даҳшатли бўлинишни юзага чиқарди. Бу - мамлакатларнинг юксак ривожланган, замонавий технология билан курулланган ҳамда қолоқ, иқтисодий қарам тоифаларга бўлинишидир. Бир мамлакатда аҳолининг атиги 3-4 фоизи бутун халқни боқшига етарли кишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш имкониятига эга бўлса, бошқа бирда 70-80 фоизи шу соҳага банд бўлишига қарамай, оначилик таҳдили остида яшамоқда. Бир жойда хаста юрак операция қилиниб, одам умри узайтирилаётган ҳолда, бошқа жойда минглаб киши оддий дори-дармон етишмаслигиндан қирилиб кетяпти. Бундай мисоллар истаганча топилади.

Хўш, наҳотки, одамзодни унинг бир биологик турга мансублигидан бошқа бирлаштирилган омил йўқ? Бизнингча, бор ва у - БИЛИМ.



КИШИ ОҲАНГЛАРИ

Шоҳида ГУЛТОЕВА.

Осмон сатҳини доплаган туман, Туман бўзини йиртолмас юлдуз. Ой галдини солади кышан, Туман ичра ухлайди қудуз.

Янграб долар гоҳо бир овоз, Дили қийнар оқитир ваҳм. Укга учган ёвоий бир роз, Туи бағридан сўрайди раҳм. Опам аста сўзлар эртагин, Майиб гоэга қилар тилагин.

Оппоқ қор остида ухлайди қирлар, Насиб излайди қарга гааси. Кўзимдан тўкылар армоғал сирлар, Опасин излайди тулки боласи.

Кўзгаиб келади рапсез изирини, Қирмиз рапг товланар қуи ботиш томон. Сукупат тилалайди чўққилар бағрини, Бир читтақ қирғирар рапг-рўйи сомон. Кўзаларим ёшлари саҳомас сукут, Тулки боласини этолмам унут.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ
Иброҳим РАХИМ
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Рустам ҚОСИМОВ

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Убайдулла УВАТОВ, Тошкент ислом университети Илмушунослик илмий-тадқиқот марказининг бош илмий ходими.

— Навбатсиз қўйиб юборинг. Мен бола билан. Мусаввир А. ХОЛИҚОВ

Аҳоли диққатига!
Энергия тармоқлари идоралари шуни маълум қиладикки, электрдан фойдаланганлик учун тўловни кейинги ойнинг 5-числогига қўламаган хонадонларда электр таъминоти оғоҳлантиришсиз тўхтатилади.

Маълум қотиб: Аслиддин БУРИЕВ
Набатчи: Олим БЕГАЛИЕВ
Саҳифаловчилар: А. Юлдашев, Д. БЕКМУРDOВА.
Тажрият компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
Буюртма Г-1037
Топширилди—20.30